

"Ўзкимёсаноат" АЖ ва CRPT TURON ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди

// 21.10.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/o-zkimyosanoat-aj-va-crpt-turon-o-rtasida-hamkorlik-memorand>



"Ўзкимёсаноат" АЖ ва "CRPT TURON" МЧЖ ўртасида Ўзбекистонда минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари соҳасида рақамли маркировка тизимини ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 8-апрелдаги 203-сон қарори мақсадларини амалга ошириш учун имзоланган бўлиб, томонларнинг соҳани рақамли трансформация қилишда узоқ муддатли ҳамкорликка интилишини мустаҳкамлайди.

Меморандумнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- контрафактга қарши комплекс курашиш ва бозорнинг шаффофлигини ошириш;
- Касбий тажриба алмашиш, қўшма ўқув тадбирлари, конференциялар ва давра суҳбатларини ўтказиш;
- Рақамли маркировка тизимини ривожлантириш бўйича ташаббусларни мувофиқлаштириш ва биргаликда амалга ошириш.

Томонлар аграр-саноат секторини рақамли трансформация қилиш ва Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати